# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 5 октябрь, № 196 (5870) Шанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 6 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2013 йил 22 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аккредитация** — юридик шахсларнинг муайян фаолият соҳасида мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга ваколатли эканлигини Миллий аккредитация органи томонидан расман тасдиқлаш;

**аккредитация соҳаси** — мувофиқликни баҳолаш органининг аккредитация чоғида Миллий аккредитация органи томонидан белгиланадиган фаолияти соҳаси;

**инспекция назорати** — маҳсулотни, ишлаб чиқариш жараёнларини, хизматларни, менежмент тизимларини, мувофиқликни баҳолаш органларини уларнинг мувофиқликни баҳолаш даврида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган даврий қайта баҳолаш тартиб-таомили;

**инспекция органи** — юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекцияни ва инспекция назоратини ўтказиш учун белгиланган тартибда аккредитация қилинган юридик шахс;

**миллий аккредитация тизими** — мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш қоидалари ва тартиб-таомилини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ давлат миқёсида фаолият кўрсатувчи тизим;

**мувофиқликни баҳолаш** — маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимлар, мувофиқликни баҳолаш органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича фаолият;

**мувофиқликни баҳолаш органлари** — юридик шахс бўлган ва мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажариш учун белгиланган тартибда аккредитация қилинган инспекция органлари, синов ва калибрлаш лабораториялари (марказлари), маҳсулотни, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш органлари;

**мувофиқлик тўғрисидаги декларация** — ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи маҳсулотнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

**мувофиқликни тасдиқлаш** — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари бажарилганлиги исботлангани ҳақида Миллий аккредитация органи ёки мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан қабул қилинган қарорга асосланган ҳужжатлаштирилган (аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома, мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик тўғрисидаги декларация тарзидаги) тасдиқ;

**ходимлар** — мувофиқликни баҳолашга доир ишларни амалга ошириш учун тайёргарликка ва малакага эга бўлган мутахассислар.

**4-модда. Мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифалари**

Мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;

атроф-муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;

мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитациянинг белгиланган соҳасида ишларни бажаришга ваколатли эканлигини тасдиқлаш;

(Давоми 2-бетда).

**Сирдарё вилояти:**

# Тараққиёт ва фаровонлик мезони



*Сирдарё вилояти ҳудудини нафақат Марказий Осиёнинг энг йирик дарёларидан бири, балки мамлакат ҳамда халқаро аҳамиятга молик автомобиль ва темир йўллари ҳам кесиб ўтади. Ана шундай қулай транспорт-коммуникация тизими атрофида жойлашган вилоят истиқлол йилларида иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг равон йўлига тушиб олди. Бир вақтлар аграр вилоят сифатида тилга олинадиган Мирзачўл воҳаси эндиликда иқтисодиёти жадал тараққий топаётган ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.*



ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ



### Мотоциклдан — мобиль телефонигача

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг бир неча йил ўтгач, Гулистонда мотоцикль ишлаб чиқарилаяпти, деган гап кўпчиликни ҳайратлантирганди, — дейди меҳнат фахрийси Раиса Абиятова. — Ростдан ҳам, кўчаларда “Мунис” деб номланган мўъжазгина юк мотоцикллари пайдо бўлиши гулистонликлар учун ажойиб воқеага айланди. Ҳозирги кунга келиб, сирдарёликлар ўз қўллари билан замонавий смартфонлар ясашмоқда, мураккаб технологиялар асосида жаҳон талабларига мос ўнлаб турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришмоқда. Қисқаси, бугун, бутун мамлакатимизда бўлганидек, Сирдарёда ҳам ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар кўзга ташланаяпти.

Дарҳақиқат, Сирдарёнинг саноат салоҳияти жадал юксалиб бораётганлигини биргина жорий йил биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 108,1 фоизга етганлигидан ҳам англаб олиш мумкин. Эътиборлиси, вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари тобора кўпаймоқда. Уларнинг бари — сифатли, ички ва ташқи бозор талабларига мос. Айниқса, маҳаллий хом ашёларни қайта ишлашни кенг жорий этиш иқтисодиётнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб олингани қишлоқ хўжалиги самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, бугунги кунда вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 18 фоизидан зиёди тайёр маҳсулот ҳолига келтирилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

# Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

## инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда

*Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.*

ФАРМОН ВА ИЖРО

Ўтган давр мобайнида жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилиги жиддий ислоҳ қилиниб, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди. Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил қилингани муҳим воқеа бўлди. Бунинг самараси ўлароқ, жиноят ҳамда фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

Президентимизнинг ўтган йилдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Зеро, мазкур ҳужжат асосида конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг моддий ҳамда ижтимоий таъминоти янада яхшиланди, судьялар малакасини ошириш ва судларнинг моддий-техника базасини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилаётир. Буни жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Суд департаменти томонидан умумий юрисдикция судларининг 5 та биноси қурилиши учун 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Яқинда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий семинарда шулар ҳамда соҳа ислоҳотларининг бугунги босқичидаги долзарб вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди. “Ахборот-коммуникация технологияларини судлар фаолиятига жорий этиш — суд иш юритуви тезкорлигини оширишнинг муҳим омили: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси” мавзуидаги анжуманда Олий суд, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вакиллари, фуқаролик ва жиноят, хўжалик ишлари бўйича Бухоро вилояти судларининг судьялари, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ҳамда АҚШ, Эстония, Малайзия ва Жанубий Корея давлатлари экспертлари қатнашди.

(Давоми 3-бетда).

**Тошкент — Шанхай:**

# БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

*Яқинда Тошкент шаҳар делегацияси амалий ташриф билан Шанхайда бўлди. Мазкур ташриф доирасида мамлакатимиз делегацияси аъзолари Хитойнинг турли идоралари, савдо ва саноат ташкилотлари ҳамда олий ўқув юртларининг вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Томонлар қурилиш ва меъморчилик, транспорт-коммуникация, шаҳар кўкаламзорлаштирилиши ҳамда ландшафт дизайни, уй-жой-коммунал хўжалиги, маиший қаттиқ чиқиндиларни йиғиш ва сувни тозалаш соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Ташриф давомида Тошкент шаҳар делегацияси аъзолари юртимиз пойтахтининг иқтисодий ва сармоявий имкониятлари, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда биродарлашган шаҳарлар — Тошкент ва Шанхай ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришнинг истиқболлари мавзуига бағишланган тақдимотни ҳам ўтказдилар.

(Давоми 3-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

*Президентимиз шу йил 27 сентябрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида воҳада эришилаётган ютуқ ва марралар, шу билан бирга, йўл қўйилган айрим камчилик ҳамда нуқсонлар, мавжуд муаммолар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.*

# Юксак марралар сари интиламиз

Жумладан, давлатимиз раҳбари ҳудуднинг бугунги улкан салоҳият ва имкониятлари хусусида сўз юритиш баробарида, Қашқадарёнинг мард ва танти, фидойи ва заҳматкаш аҳли яқин ўтмишда не-не қийинчилик ва оғир синовларни бошдан кечирганини ҳам алоҳида эсга олди.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов вилоятимизга раҳбар бўлиб келганида, Қашқадарёда “пахта иши” билан айбланиб, бир ярим мингдан ортиқ одам қамоққа ташланган, уларнинг бундан жабр кўрган оила аъзолари сони эса ўн баробардан ошиб кетганди. Юртбошимизнинг адолатпарварлиги, шу меҳнаткаш, қадоқ қўлли оддий одамларга бўлган меҳр-муҳаббати туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар кишандан халос бўлди, қанчадан-қанча оилалар мушкули енгиллашди.

Ваҳолонки, ўшанда Ўзбекистон пахтасининг деярли ҳаммаси Москвага, у ердан чет давлатларга олиб чиқиб кетилгани ҳеч биримизга сир эмас. “Сиз фақат пахта етиштиринг, ғалла, ун керак бўлса, биз етказиб берамиз”, деган буйруқ билан ҳар қарич ерга чигит қадалар, боғдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар учун рухсат йўқ эди. Пахта етиштиришнинг имконият даражасидан ортиқча режалаштирилиши оқибатида уч йил давомида вилоятдаги бирор хўжалик пахта тайёрлаш режасини бажара олмади. Аслида бунинг ортида қандай сиёсий ўйинлар ётгани бугун кўпчиликка аён. Вилоятни тугатиб, гўёки истиқболсиз ҳисобланган бу ҳудудни бошқа вилоятга қўшиб юбориш ҳақида марказдан топшириқлар берила бошланган давр эди ўшанда.

(Давоми 3-бетда).

**Мамлакатимизда шу йилнинг биринчи ярмида биржа савдолари орқали кичик бизнес субъектлари томонидан қиймати**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**371,2** **миллиард сўмлик маҳсулотлар сотилди.**

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича бозор механизмларининг кенгайтирилаётгани, бу жараёнда, айниқса, кичик бизнес субъектларига янада қулай шароит яратиб берилаётгани туфайли умумий биржа айланмаси ҳажми ошиб, унда хусусий тадбиркорларнинг ҳиссаси муттасил ортиб бораётир.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдода иштирок этиш;
савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш.

**5-модда. Мувофиқликни баҳолашнинг асосий принциплари**

Мувофиқликни баҳолашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:
мувофиқликни баҳолашнинг ягона қоидалари ва тартиб-таомилларини қўллаш;
мувофиқликни баҳолаш ҳақидаги ахборотнинг ишончлилиги ва очиқлиги;
аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларининг хизматларидан фойдаланишга тўсиқлар қўйишга ва улар ўртасидаги рақобатни чеклашга йўл қўймаслик;
давлат сирларининг, тижорат сирининг ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг сақланиши;
аккредитация бўйича фаолиятни сертификатлаштиришга, мувофиқликни декларациялашга, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекцияни амалга оширишга, маҳсулот синовига, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосаларини беришга, экологик экспертиза ўтказишга доир фаолият билан қўшиб олиб борилишига йўл қўймаслик.

**6-модда. Мувофиқликни баҳолаш объектлари**

Мувофиқликни баҳолаш объектлари қуйидагилардан иборат:
маҳсулот;
ишлаб чиқариш жараёнлари;
хизматлар;
менежмент тизимлари;
аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахслар;
мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассислар;
мувофиқликни баҳолаш органлари инспекция назоратидан ўтказилиши чоғида ушбу органларнинг ўзи.

**7-модда. Мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш**

Мувофиқликни баҳолаш:
аккредитация қилиш;
сертификатлаштириш;
мувофиқликни декларациялаш;
инспекция назорати;
юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекция;
маҳсулот синови;
санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза йўли билан амалга оширилади.

**8-модда. Аккредитацияни амалга ошириш**

Аккредитация аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахсларнинг ваколатли эканлигини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади.
Аккредитация аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг таҳлили ва экспертизасини, олинган далилларни текширувлар ўтказиш йўли билан баҳолашни ўз ичига олади.

**9-модда. Мувофиқликни декларациялаш**

Мувофиқликни декларациялаш — маҳсулотнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи томонидан тасдиқлаш.
Мувофиқликни декларациялашда мувофиқликни тасдиқлаш қоидалари, тартиби ва усуллари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли норматив ҳужжатларда белгиланади.
Агар мувофиқликни декларациялашда мувофиқликни тасдиқлаш қоидалари, тартиби ва усулларида маҳсулот синовини ўтказиш зарур эканлиги белгиланган бўлса, бундай синов аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) томонидан ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи билан тузилган шартнома асосида ўтказилади.

**10-модда. Инспекция назоратини амалга ошириш**

Инспекция назорати Миллий аккредитация органи, мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаштириш органлари ёки инспекция органлари томонидан амалга оширилади. Инспекция назорати натижаларига кўра мувофиқлик сертификатини ёки аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёхуд сертификатни ёки гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилиниши мумкин.

**11-модда. Сертификатлаштиришни, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекцияни, маҳсулот синовини, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосаларини ёки экологик экспертизани амалга ошириш**

Сертификатлаштириш, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекция, маҳсулот синови, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**12-модда. Мувофиқликни тасдиқлашни амалга ошириш**

Маҳсулот, хизматлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, менежмент тизимлари, ходимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш сертификатлаштириш ва мувофиқликни декларациялаш натижаларига кўра амалга оширилади. Сертификатлаштириш ва мувофиқликни декларациялаш мажбурий ёхуд ихтиёрий тусда бўлиши мумкин.
Мувофиқликни баҳолаш органларининг мувофиқлигини тасдиқлаш уларни аккредитация қилиш натижаларига кўра амалга оширилади.

**13-модда. Мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомили**

Мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомили мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ташкилий ҳамда техник талабларни, ишларни бажариш ва расмийлаштириш тартибини, усулларини ўз ичига олади.
Мувофиқликни баҳолашга доир ишлар ходимлар томонидан амалга оширилади.
Мувофиқликни баҳолашга доир ишларга сифат бўйича эксперт-аудиторлар ва (ёки) тегишли тармоқларнинг мувофиқликни баҳолаш соҳасида ишларни ташкил этишга, ушбу соҳадаги жараёнга ёки фаолиятга тааллуқли махсус билим ва тажрибага эга бўлган техник экспертлар жалб қилиниши мумкин.

**14-модда. Мувофиқликни баҳолаш натижаларини тан олиш**

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**2-боб. Мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

**15-модда. Мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлар**

Мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**16-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
мувофиқликни баҳолаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатини тасдиқлайди;
Миллий аккредитация органи тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;
Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларининг Ўзбекистон Республикасида тан олиниши тартибини тасдиқлайди.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**17-модда. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:
мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;
мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;
Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар ишлаб чиқади;
Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш зарурлиги тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади;
мувофиқликни баҳолаш соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этади.
Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**18-модда. Мувофиқликни баҳолаш органларининг ҳуқуқлари**

Мувофиқликни баҳолаш органлари:
аккредитациянинг белгиланган соҳасида сертификатлаштиришни амалга ошириш;
мувофиқлик сертификатлари бериш;
ўзи берган мувофиқлик сертификатларининг ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ёхуд мувофиқлик сертификатларини ёки мувофиқлик ҳақидаги декларацияни рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш;
аккредитациянинг белгиланган соҳасида маҳсулот синовини ўтказиш, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш;
аккредитациянинг белгиланган соҳасида маҳсулот синовларига оид баённомаларни, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш тўғрисидаги баённомаларни бериш;
миллий аккредитация тизими белгисини қўллаш ҳуқуқига эга.
Мувофиқликни баҳолаш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**19-модда. Мувофиқликни баҳолаш органларининг мажбуриятлари**

Мувофиқликни баҳолаш органлари:
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларни бажариши;
манфаатдор шахсга сертификатлаштириш, мувофиқликни декларациялаш, инспекция назорати, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекция, маҳсулот синовлари, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза қоидалари ва тартиб-таомили тўғрисида ахборот тақдим этиши;
мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни амалга ошириши;
ўзи берган мувофиқлик сертификатларининг, маҳсулот синовларига оид баённомаларнинг, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш тўғрисидаги баённомаларнинг, шунингдек рўйхатдан ўтказилган мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларнинг ҳисобини юритиши;
ўзи берган мувофиқлик сертификатлари ва рўйхатдан ўтказилган мувофиқлик тўғрисидаги декларациялар, уларга ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, шунингдек уларни бекор қилиш тўғрисида Миллий сертификатлаштириш органини хабардор қилиши;
маҳсулот синовлари, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлашнинг белгиланган қоидалари ҳамда тартиб-таомилларига риоя этиши;
маҳсулот синовлари, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш натижаларининг тўғрилигини таъминлаши;
аккредитация билан боғлиқ харажатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаши шарт.
Мувофиқликни баҳолаш органлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**3-боб. Аккредитация**

**20-модда. Миллий аккредитация органи**

Миллий аккредитация органи Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигидир.
Миллий аккредитация органи:
мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;
миллий аккредитация тизими ташкил этилишини, фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлайди;
мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилишни амалга оширади ва уларга аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради;
мувофиқликни баҳолаш органлари устидан инспекция назоратини амалга оширади;
белгиланган тартибда аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ва ушбу гувоҳномани бекор қилади;
халқаро аккредитация органлари ва хорижий давлатларнинг миллий аккредитация органлари билан аккредитация масалалари бўйича ҳамкорлик қилади;
Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрини юритади.
Миллий аккредитация органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**21-модда. Аккредитация шартлари**

Қуйидагиларнинг мавжудлиги аккредитация шартларидир:
аккредитация қилиниш учун ариза;
юридик шахслар таъсис ҳужжатларининг кўчирма нусхалари;
аккредитация қилиш сўралган соҳадаги ишларни бажариш учун аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахсларнинг ваколатли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
аккредитация билан боғлиқ харажатлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.
Сертификатлаштириш органи сифатида аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахслар мувофиқликни баҳолаш объектларининг ишлаб чиқарувчилари, сотувчилари, ижро қилувчилари ва истеъмолчиларига нисбатан ташкилий ҳамда моддий жиҳатдан тобе бўлмаслиги керак.
Қонун ҳужжатларида аккредитациянинг бошқа шартлари ҳам белгиланиши мумкин.

**22-модда. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома**

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома мувофиқликни баҳолаш органи аккредитациянинг белгиланган соҳасидаги ишларни бажаришга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Миллий аккредитация органи томонидан тасдиқланади.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома беш йил муддатга берилади.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномадан бошқа шахснинг фойдаланиши тақиқланади.

**23-модда. Миллий аккредитация тизимининг белгиси**

Миллий аккредитация тизими миллий аккредитация тизими белгисига эга бўлиб, ушбу белги уни қўлловчи мувофиқликни баҳолаш органи Миллий аккредитация органи томонидан аккредитация қилинганлигини билдиради.
Мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани олиш билан бир вақтда мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддатида миллий аккредитация тизими белгисини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.
Миллий аккредитация тизими белгисининг шакли ва уни қўллаш тартиби Миллий аккредитация органи томонидан белгиланади. Мазкур белгини қўллаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пулли асосда амалга оширилади.

**24-модда. Аккредитация соҳасини ўзгартириш**

Аккредитация соҳасини ўзгартириш тўғрисидаги қарор мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация соҳасини кенгайтиришни ёки қисқартиришни сўраб ариза берган тақдирда, Миллий аккредитация органи томонидан қабул қилинади.
Мувофиқликни баҳолаш органининг аккредитация соҳасини кенгайтириш у билан келишилган муддатларда аккредитация қоидалари ва тартиб-таомилларига мувофиқ амалга оширилади.
Аккредитация соҳасини қисқартириш бўйича қарор мувофиқликни баҳолаш органи қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этмаган тақдирда, Миллий аккредитация органи томонидан инспекция назорати натижаларига кўра қабул қилиниши мумкин.
Аккредитация соҳасини ўзгартириш тўғрисидаги қарор устидан Миллий аккредитация органи тўғрисидаги низомда белгиланадиган тартибда шикоят қилиниши ёхуд судга шикоят қилиниши мумкин.

**25-модда. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Инспекция назорати давомида аниқланган номувофиқликлар бартараф этилмаган тақдирда, аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкин.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш Миллий аккредитация органи ёки суд томонидан амалга оширилади. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Миллий аккредитация органи томонидан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга, суд томонидан эса, ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.
Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори мувофиқликни баҳолаш органига қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан ёзма шаклда етказилади. Суднинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги ҳал қилув қарори мувофиқликни баҳолаш органига ва Миллий аккредитация органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.
Мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилган Миллий аккредитация органи ёки суд мазкур ҳолатлар бартараф этилганлиги ҳақидаги тасдиқни олган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.
Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд томонидан асоссиз деб топилган тақдирда, Миллий аккредитация органи мувофиқликни баҳолаш органи олдида у кўрган зарар миқдорида жавобгар бўлади.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ва қайта тикланганлиги ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

**26-модда. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш**

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:
мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатишни сўраб ариза билан мурожаат қилганда;
юридик шахс бўлган мувофиқликни баҳолаш органи тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши мустасно;
мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни Миллий аккредитация органи ёки суд томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;
мувофиқликни баҳолаш органи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларни мунтазам равишда бузганда ёки бир марта қўпол тарзда бузганда;
Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақидаги қарори ноқонуний эканлиги аниқланганда;
аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати ўтганда.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш Миллий аккредитация органи томонидан амалга оширилади, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.
Ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.
Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарори мувофиқликни баҳолаш органига қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан ёзма шаклда етказилади. Суднинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги ҳал қилув қарори мувофиқликни баҳолаш органига ва Миллий аккредитация органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.
Мувофиқликни баҳолаш органи Миллий аккредитация органининг ёки суднинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун ичида аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Миллий аккредитация органига қайтарилиши ва йўқ қилиб юборилиши лозим.
Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш суд томонидан асоссиз деб топилган тақдирда, Миллий аккредитация органи мувофиқликни баҳолаш органи олдида у кўрган зарар миқдорида жавобгар бўлади.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганлиги ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши уни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

**27-модда. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш**

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилганда;
аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолда бекор қилиш суднинг ҳал қилув қарорига кўра, ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолда бекор қилиш эса, Миллий аккредитация органининг қарорига кўра амалга оширилади.
Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги қарори мувофиқликни баҳолаш органига қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан ёзма шаклда етказилади. Суднинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори мувофиқликни баҳолаш органига ва Миллий аккредитация органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.
Мувофиқликни баҳолаш органи Миллий аккредитация органининг ёки суднинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун ичида аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Миллий аккредитация органига қайтарилиши, Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестридан чиқарилиши ва йўқ қилиб юборилиши лозим.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.
Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинганда аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома у берилган санадан эътиборан бекор қилинган ҳисобланади.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

**28-модда. Мувофиқликни баҳолашга доир ишларни молиялаштириш**

Мувофиқликни баҳолашга доир ишларни молиялаштириш манфаатдор шахсларнинг маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.
Мувофиқликни баҳолаш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланади.

**29-модда. Мувофиқликни баҳолаш органларининг бирлашмалари**

Мувофиқликни баҳолаш органлари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мувофиқликни баҳолаш органларининг бирлашмаларини тузиши мумкин.

**30-модда. Низоларни ҳал этиш**

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**31-модда. Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**32-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**33-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 4 октябрь
№ ЎРҚ—354

# Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

## инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътироф этилганидек, бугун суд-ҳуқуқ тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишда ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш дастури қабул қилинди. Мазкур дастурга асосан, судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда ахборот тизимлари ҳамда ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, энг муҳими, ривожланган давлатларда кенг ва самарали қўлланилаётган электрон суд иш юритуви тизимини шакллантириш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар ана шуни эътироф этган ҳолда, бу борада хорижда тўпланган тажриба ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Хусусан, Малайзия суд тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида тўпланган тажриба ўрганиб чиқилди ҳамда АКТни соҳада қўллаш самарасига оид видеолавҳа намойиш қилинди.

— Кейинги йилларда мамлакатимиз суд тизимида замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш, янгидан-янги лойиҳаларни рўёбга чиқариш яхши натижа бериб келмоқда, — дейди Малайзия федерал суди раиси Тун Арифин ибн Закария. — Масалан, бизда электрон суд фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, у орқали тадбиркорларга кўмак берилмоқда, уларнинг вақти тежалмоқда, муҳими, ортиқча қоғозбозликдан қутулдик. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон суд тизимида ҳам инновациявий технологияларни жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга лойиқ, деб ҳисоблайман. Бу тез орада ўзининг кутилган самараларини бера бошлашига ишонаман.

Илмий-амалий семинар иштирокчилари электрон судловнинг қулайлик ва афзалликлари билан таништирилди. Зеро, тизим интерфаол суд хизматларини йўлга қўйиш ҳамда уларда ортиқча сансалорликларни бартараф этиш, хусусан, ўзига хос ишлаш тартиби ва имкониятларга эгалиги билан ажралиб туради. Содда қилиб айтганда, суд жараёнида қатнашувчилар барча ишларини интернет орқали амалга оширади.

— Семинар давомида электрон судлов амалиётига эга бўлган давлатлар тажрибаси билан танишдик, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро суди раиси Шуҳрат Аббосов. — Айниқса, Малайзия тажрибаси ҳақидаги лавҳа намойиш этилгани айни муддао бўлди. Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимига ҳам ана шундай янгиликлар татбиқ этила бошлагани бизни қувонтиради. Яъни 2014 йилдан бошлаб барча фуқаролик ишлари бўйича судларда шу тизим йўлга қўйилади. Бу эса суд жараёнини соддалаштиради, муҳими, аҳоли учун катта қулайликлар яратади.

— Ҳозир бутун дунё суд тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Массачусетс (АҚШ) штати Олий суди судьяси Роберт Корди. — Ўзбекистонда шу тизимни жорий қилиш борасидаги ҳаракатларни муҳим ташаббус, деб ҳисоблайман. Бу тизимнинг афзаллиги кўп. Суд ишларини жадаллаштириш, суд раисининг у ёки бу ишни кўриб чиқиши қай даражада турганини билиш, айниқса, адолатли судлов нуқтаи назаридан у жуда фойдали. Аҳолида судлар фаолиятига оид маълумотларни тўғридан-тўғри олиш имконияти ҳам юзага келади.

Илмий-амалий семинар доирасида фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди фаолиятига БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Фуқаролик судловни такомиллаштириш: суд бошқаруви” қўшма лойиҳаси доирасида татбиқ этилган “E-Sud” электрон судлов ахборот тизимининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, мазкур қўшма лойиҳа доирасида фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида махсус ахборот-коммуникация тармоғи ўрнатилиб, сервер, она ва бола ҳамда биринчи тиббий ёрдам хоналари, шунингдек, конференция заллари ташкил қилинди. Эътиборлиси, мазкур хоналар замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва компьютерлар билан тўла таъминланган. Қолаверса, бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари ҳам бажарилди.

Бунинг барчаси, хорижлик экспертлар эътироф этганидек, юртимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини янада жадаллаштириш орқали фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги билан изоҳланади. Хусусан, “E-Sud” электрон судлов ахборот тизими ҳам ана шу эзгу мақсадни кўзда тутиши билан аҳамиятлидир.

— “E-Sud” электрон дастурини тайёрлашда, биринчи навбатда, судга мурожаат қилувчи фуқароларга қулайлик яратиш, уларнинг ўз мурожаатлари бўйича суддан монеликсиз ахборот олишини ҳамда судда ишларнинг қонуний муддатда кўрилишини, судга мурожаат, кўрилган суд буйруғи ва фуқаролик ишлари тўлиқ ҳисоботининг электрон олиб борилишини таъминлашга алоҳида эътибор берилди, — дейди лойиҳа миллий координатори Холмўмин Ёдгоров. — Яратилган миллий “E-Sud” электрон дастурини суд фаолиятига татбиқ этиш фуқаролар мурожаатларини тез ҳамда сифатли ҳал қилиш, суд буйруғи бериш ҳақидаги талабларни интернет орқали олиш, электрон тарзда уларни рўйхатдан ўтказиш, суд буйруғи чиқариш ва суд буйруғини ундирувчи ҳамда ижро органига электрон тарзда етказиш имконини беради.

Айтиш лозимки, янги тизим бутун мамлакатимиз бўйича йўлга қўйилгач, судлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар интерфаол шаклга ўтказилади. Даъво ариза ва илтимосномаларни тузиш, фуқаролик ишлари бўйича судларга топшириш, судда кўриладиган куни ва вақти ҳақидаги маълумотларни ҳамда ажримлар ва суд ҳужжатларини олиш билан боғлиқ барча жараён бевосита интернет орқали бажарилади.

— Мазкур тизим бир неча ой мобайнида синов тариқасида ишлади, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг судьяси Наргиза Маҳкамова. — Шу даврда тизим катта қулайликларга эга эканлигини амалда исботлади. Ишимиз осонлашди, қолаверса, фуқаролар учун катта қулайликлар яратилди. Эндиликда улар иш хонаси ёки бўлмаса, уйида туриб ҳам бизга мурожаат қилишмоқда.

Экспертлар бу ерда яратилган шарт-шароитлар ва соҳага жалб қилинган ахборот-коммуникация технологиялари ижобий самара бера бошлаганлигини қайд этишди. Шундан келиб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг янги шарт-шароитдаги фаолиятини бутун мамлакат судлов тизимига татбиқ қилиш ҳамда суд тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш юзасидан тавсиялар берилди. Айни чоғда юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасига қаратилаётган эътиборни юқори баҳолаб, ижобий тажрибаларни ўрганганликларини таъкидладилар.

— Юртингизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан, хусусан, суд тизимида АКТни қўллаш борасидаги Ўзбекистон тажрибасидан ибрат олса арзийди, — дейди эксперт Мелис Эрик. — Негаки, Ватаним Эстонияда ҳам бу долзарб масала саналади. Мазкур семинарда ўзим учун жуда керакли маълумотларга эга бўлдим. Муҳими, бу ерда АКТни қўллаш билан боғлиқ масалалар қандай ҳал этилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Юртимга боргач, бу ҳақда ҳамкасбларимга гапириб бераман. Ишонаманки, бу ерда олган билим ва тажрибаларим фаолиятимизга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этишда қўл келади.

Халқаро анжуман доирасида Малайзия федерал суди раиси Тун Арифин ибн Закария Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда Олий суд ва Олий хўжалик судига ташриф буюриб, республикамиз парламенти ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг самараси билан танишди. Хусусан, парламент юқори палатасида Олий Мажлис Сенати Раиси И. Собиров билан учрашув чоғида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимидаги янгиланишларга юқори баҳо берди. Айни пайтда мамлакатимиз ва халқимиз ҳақида илиқ фикрлар билдирди. Шу жумладан, у “Ўзбек заминига келишим билан бу юртнинг иссиқ тафтини ҳис этдим”, дея ўз ҳаяжонини яширмади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ янгиланишлари орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминлаб келинмоқда. Зеро, булардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шарт-шароитни яратишдан иборатдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**Тошкент — Шанхай:**

# БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Хитой Халқаро савдо ва сармояларни илгари суриш бўйича қўмитасининг Шанхай бўлинмаси раиси ўринбосари Ван Лие** қайд этганидек, ХХР раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга буюрган давлат ташрифи муваффақиятли ва самарали кечгани ҳолда, икки томонлама сармоявий ҳамкорликка кучли туртки берди.

Унинг маълум қилишича, Хитой иқтисодиёти ва савдосининг етакчи минтақаларидан бири бўлган Шанхай инновация технологияларини татбиқ этишга кўмаклашиши ҳамда Ўзбекистондаги истиқболли лойиҳаларни узоқ муддатли сармоялашга интилаётган маҳаллий компанияларни қўллаб-қувватлаши мумкин. Ван Лиенинг ҳисоблашича, тўқимачилик тармоғи, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва балиқчилик соҳалари ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўла олади.

**Умумхитой саноат ва тижорат федерацияси раисининг ўринбосари Ван Чжисюн** Ўзбекистоннинг иқтисодий, саноат ва сармоявий салоҳиятини, мамлакатнинг макроиқтисодий ислоҳотлари ҳамда диққатга молик бўлган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларини юқори баҳолади.

Унинг фикрича, Хитой ва Ўзбекистон раҳбарлари имзолаган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма баёнот узоқ йиллар давомида маънан яқин бўлган халқлар ўртасидаги дўстликнинг гарови бўлиб қолади.

— Ўз навбатида, 2014 — 2016 йилларда ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни тузишга Тошкент ва Шанхайнинг тайёр эканлиги биродарлашувни чуқурлаштириш ва барча йўналишларда шерикликни фаоллаштириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий якунидир, — дейди Ван Чжисюн. — 1994 йили икки шаҳар биродарлашган пайтдан бошлабоқ, улар бизнес ва савдо, шаҳарни бошқариш ҳамда ривожлантириш, маданият, таълим, спорт ва соғлиқни сақлаш сингари соҳаларда самарали ҳамкорликни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Ўзбекистон вакилларининг мазкур ташрифи чоғида Шанхай университети ҳовлисига тантанали “тош қўйиш” маросими ҳам бўлиб ўтди — у ерда Алишер Навоийнинг ҳайкали қад кўтаради.

**Шанхай университети ректорининг ёрдамчиси, ШҲТ Жамоатчилик дипломатияси илмий тадқиқот институти директори Ли Вэй** ушбу ўқув даргоҳи ҳудудида буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби хотирасига бағишлаб ёдгорлик ўрнатилиши ҳақидаги хушхабардан жуда қувонганини айтди.

— Алишер Навоий ҳайкалининг ўрнатилиши икки мамлакат халқлари ўртасидаги кўп асрлик маданий-гуманитар алмашувларнинг ҳамда ўзаро дўстона муносабатларнинг рамзи бўлиб қолади, — деди у. — Яна шуни ҳам қайд этишни истардимки, бизнинг олий ўқув юртимизда Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилган. Булардан ташқари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти билан Англашув меморандумлари имзоланган.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

# Юксак марралар сари интиламиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шундай вазиятда Ислом Каримов юксак матонат ва жасорат кўрсатиб, Қашқадарёнинг келажагини кўра билиб, унинг ер ости, ер усти бойликлари, иқтисодий салоҳиятини аниқ ҳисоб-китоблар билан исботлаб, марказга етказди ва ўзи буни қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

Мана, орадан йиллар ўтиб, Қашқадарё йирик индустриал ҳудудга айланди. Замонавий саноат мажмуаларини барпо этишда асосий таянч вазифасини бажараётган Шўртан газ-кимё комплекси негизида иқтисодиётимизнинг мутлақо янги — газни чуқур қайта ишлаш тармоғи вужудга келди. Қашқадарёда барпо этилган ва этилаётган энг юксак технологияларга асосланган Шўртан синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш мажмуаси, Муборак газ-кимё комплекси, “Таллимаржон” иссиқлик электр станцияси каби ўнлаб илғор корхоналар шулар сирасига киради.

Бугун олдимизда янада юксак марралар турибди. Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, Қашқадарёни мамлакатимизнинг энг жадал ривожланаётган, бошқаларга ўрнак ва намуна бўладиган вилоятига айлантиришимиз, ўз меҳнатимиз, ғайрату шижоатимиз, эзгу ташаббусларимиз билан юрт тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур. Зеро, бунинг учун имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли.

**Январь ИНОЯТОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси**
**Қашқадарё вилояти бўлими раиси.**

Эълонлар

## «Trade in Real Property» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 27 сентябрдаги 33а-сонли буйруғига асосан, Бухоро шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси балансидаги, Бухоро шаҳри, Хўжа Нурobод кўчасида жойлашган собиқ 5-сон умумтаълим мактабининг бино-иншоотлари очиқ аукцион савдосига чиқарилмоқда. Ер участкасининг умумий майдони — 2937,0 кв.м., бино-иншоотларнинг умумий майдони — 1256,73 кв.м.

***Объектнинг бошланғич баҳоси — 267 240 861 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 4 ноябрь куни соат 11.00 да сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 11, 18 ва 25 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион ғолиби томонидан мулк учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ сотувчи билан имзоланадиган олди-сотди шартномасига биноан амалга оширилади. Аукцион савдоларида иштирок этиб, мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар аукцион ташкилотчиси — «Trade in Real Property» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома, закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси, аукцион ташкилотчисининг реквизитлари: ХХТУТ: 83200, СТИР: 302222995, МФО: 00119, АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Сардор» филиалидаги 20208000404960319001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) объект бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги гаров пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати, жисмоний шахслар учун фуқаролик паспортининг нусхаси, юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, савдода талабгорнинг вакили иштирок этса, белгиланган тартибда тасдиқланган ишончноманинг асл нусхаси.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо ўтказилиши белгиланган манзилда ҳафтанинг ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Закалат пулларининг киритилиши аукцион савдолари бошланишидан бир соат олдин, яъни 2013 йил 4 ноябрь куни соат 10.00 да, буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин, яъни 2013 йил 3 ноябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Буюртманомаларни қабул қилиш ва барча саволлар бўйича қуйида кўрсатилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Аукцион ташкилотчиси — «Trade in Real Property» МЧЖ.

**Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил:**
**Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 6-уй, 2-қават, 26-хона.**
**Телефонлар: (8-365) 223-50-89,**
**(+99893) 383-84-80.**

1678A/961

*Лицензия: RL 0125. Хизматлар лицензияланган.*

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Наманган вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2007 йил 4 майдаги 16-0604/5912-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 97-уйда жойлашган, «Наманганагромаш» АЖга тегишли, Наманган тажриба заводи бино-иншоотларининг режа бўйича 6, 7, 8-литерлардаги цех бинолари, 10-литердаги шийпон (навес) ва 15-литердаги бинолар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 255 668 152 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 8 октябрдаги 16-1204/9860-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, 1-микрорайон, Спортчилар кўчасида жойлашган, «Феруза Ҳамроҳ савдо» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 139,27 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,3 кв.м. бўлган ошхона ва офис бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 90 087 303 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан Наманган туманлараро судининг 2013 йил 19 мартдаги 1-1170-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган тумани, «Тошбулоқ» ШФЙ, «Тошбулоқ деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган, фуқаро Султанов Кенжабой Иномовичга тегишли, фойдаланиш майдони 41,36 кв.м., қурилиш ости майдони 52,8 кв.м. бўлган 26-«А» сонли савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 21 023 477 сўм.***

*Аукцион савдоси 2013 йил 6 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 4 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: (8-369) 227-97-01.**
**www.1kms.uz**

1690A/1453

*Лицензия: RR-0001.*

## «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 17 августдаги 15-01-306/2-сонли хати ва Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «1-Кўчма механизациялаштирилган карвон» хусусий корхонасига тегишли темир-бетон ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 564 979 936 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Кўмирчи» МФЙ ҳудудида жойлашган, «1-Кўчма механизациялаштирилган карвон» хусусий корхонасига тегишли 4-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 45 672 911 сўм.***

Очиқ аукцион савдоси 2013 йил 23 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 21 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида мулк номи кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.

**Талабгорлар барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:**
**«Effect real group» МЧЖ, Фарғона шаҳри, Аҳмад ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, 24-хона.**
**Телефон: (+99895) 404-54-84.**

***Лицензия RR: 0094.***

1687A/967

## МЧЖ шаклидаги «TASHKENT PROF INVEST» риэлторлик ташкилоти

**бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 2 ноябрдаги 10-1207/18757-сонли иш бўйича қарорига асосан банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR» хусусий корхонасининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мойқўрғон кўчасида жойлашган қуйидаги кўчмас мулк объектлари ушбу корхона кредиторлари йиғилишининг 2013 йил 23 сентябрдаги қарорига асосан, тугатув (ликвидация) нархида қайта қўйилади:

**1.** Умумий майдони 5000 $м^2$ бўлган ер участкасидаги қурилиши тугалланмаган 8 қаватли тураржой биноси. Бошланғич нархи — 1147000000,0 (бир миллиард бир юз қирқ етти миллион) сўм.

**2.** Ҳажми 800 $м^3$ бўлган, қурилиш котлованидан қазилган тупроқ. Бошланғич нархи — 8000000,0 (саккиз миллион) сўм.

Аукцион савдоларида белгиланган талабларга риоя этган барча юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари қатнашишлари мумкин.

***Аукцион савдолари 2013 йил 24 ва 31 октябрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хонада (Мажлислар залида) ўтказилади.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ўтказилиш санасига қадар, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, бошланғич нархнинг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20208000204955218001, МФО: 00425, СТИР: 207142288.

Талабгорлардан буюртманомалар, тўлов ҳужжатлари, шахсни тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш иш кунларида савдо ташкилотчисининг қуйида кўрсатилган манзилида мазкур эълон чоп этилган кундан бошланади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун аввал соат 17.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб, 20 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, тўланган закалат пули миқдори объект сотилиш нархининг 10 (ўн) фоизидан камини ташкил этса, олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар етишмаётган суммани закалат пули тўланган ҳисоб рақамига тўлаш мажбуриятлари юклатилади.

Ушбу кўчмас мулк объектларини харид қилишга қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг тавсифи, ҳақиқий ҳолати, жойлашган манзили ва аукцион савдосини ўтказиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги маълумотларни сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг қуйидаги манзилига бориб ёхуд алоқа воситалари орқали олишлари мумкин.

**Сотувчи** — «SANAR» ХК тугатув бошқарувчиси Ирина Петровна Палванова.

**Юридик манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 402-хона. Телефон: (8-371) 351-28-14.**

**Савдо ташкилотчиси — МЧЖ шаклидаги «TASHKENT PROF INVEST» риэлторлик ташкилоти.**
**Юридик манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси. 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.**
**Телефон: (8-371) 233-20-13. Расмий веб-сайт: tpi.uz. Лицензия: RR-0109.**

1694A/968

**Сирдарё вилояти:**

# Тараққиёт ва фаровонлик мезони




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу аснода юксак технологияларга асосланган енгил саноат тизими жадал ривожланмоқда. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган дастурига кўра, ҳозир мавжуд 150 дан зиёд енгил саноат корхоналари сонини келгусида 220 тадан ошириш кўзда тутилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Бунинг учун дастур доирасида 29,4 миллион АҚШ долларига тенг 69 та лойиҳа рўёбга чиқарилади ҳамда 2 та янги турдаги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилади. Бу — ҳудудда етиштириладиган пахта толасининг 33 фоизи маҳаллий саноат корхоналарида тайёр маҳсулотга айлантирилади, деганидир.

Яна бир далил. Вилоятда кейинги 4 йил ичида 5 та ғишт заводи ишга туширилди, ҳадемай, яна 4 та шундай корхона фаолият кўрсата бошлайди. Демоқчимизки, бир вақтлар вагонларга юкланиб узоқлардан келтирилган бу қурилиш ашёси эндиликда маҳаллий шароитда пишиқ-пухта тайёрланмоқда. Боз устига, мазкур корхоналарнинг истеъмолчиларга яқин ҳудудларда барпо этилаётгани харидор учун ҳам, ишлаб чиқарувчи учун ҳам катта қулайлик туғдиряпти. Шу маънода, бугунги кунда "Гулистон барака ун садаф" масъулияти чекланган жамиятининг темир-бетон маҳсулотларига, "Пенг Шенг" қўшма корхонасида тайёрланаётган керамик қопламаларга талаб ортиб бораётгани бежиз эмас.

Дарвоқе, яқинда "Пенг Шенг" қўшма корхонасида мобиль телефон ва уларнинг аксессуарларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда замонавий смартфонларнинг 3 тури сотувга чиқарилмоқда. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Гап шундаки, сингапурлик ҳамкорлар билан амалга оширилаётган, қиймати 8,5 миллион АҚШ долларилик лойиҳа доирасида яқин орада Гулистон шаҳрида йилига 40 минг дона компьютер, ноутбук ва планшетлар ишлаб чиқарувчи корхона фаолияти йўлга қўйилади.

## Аграр тармоқнинг мустаҳкам таянчи

Президентимиз томонидан "Мустақиллик қалдирғочлари" деб юксак номга сазовор бўлган фермер хўжаликлари истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда такомиллашди, ривожланди, иқтисодиётимизнинг қишлоқдаги ҳақиқий таянчига айланди. Буни бугунги кунда Сирдарё вилоятидаги 5 мингдан зиёд фермер хўжаликларининг аксарияти фақат пахтачилик ёки ғаллачиликда эмас, боғдорчилик, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик соҳаларида ҳам муваффақиятга эришаётгани, етиштирилган хом ашёни қайта ишлаш жараёнини самарали олиб бораётганидан билса бўлади. Масалан, Ховос туманидаги Абдурасул Одилов раҳбарлик қилаётган "Одил Али" фермер хўжалиги аъзолари ўзларининг сутни қайта ишлаш корхонасида 7 турдаги сут маҳсулотларини тайёрлаб, мўмай даромад олишмоқда.

— Чиндан ҳам, бугун фермерларнинг имконияти кенг, — дейди Сардоба туманидаги "Барака" фермер хўжалиги раҳбари, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Абдумавлон Маҳмудов. — Давлатимиз томонидан яратилган иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий имкониятлар қишлоқ мулкдорларини ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам фаол иштирок этишга ундамоқда. Хўжалигимиз ихтиёрида дала ишлари учун зарур барча техника воситалари мавжуд. Жорий йилда ғалладан мўл ҳосил олдик. Насиб қилса, шу кунларда ғишт заводимизни ишга туширамиз. Шу билан бирга, йирик сиғимли совутқич қуриш ҳаракатини ҳам бошлаб юборганмиз. Яна бир режамиз — келгуси йилда оҳак ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этиш.

Вилоятда бундай кўп тармоқли фермер хўжаликлари 1378 тани ташкил этади. Эътиборлиси шундаки, мустақиллик қалдирғочлари сафида ёшлар сони ҳам тобора ортиб бормоқда.

## Инсон манфаатлари — устувор вазифа

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳада амалга оширилган ўзгаришлар вилоятнинг барча жойларида бўй кўрсатмоқда. Энг муҳими, бу ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари устувор эканлиги яққол акс этаяпти. Жумладан, тиббиётнинг энг қуйи бўғини ҳисобланмиш қишлоқ врачлик пунктлари барча ҳудудларни малакали тиббий хизмат билан қамраб олган. Айни пайтда вилоятда 150 та ана шундай тиббиёт маскани фаолият юритаётган бўлса, уларнинг барчаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида бир неча йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш скрининг ҳамда Перинатал марказлари ташкил этилиши, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва поликлиникасининг замонавий биноси қурилиши шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бундай туб ўзгаришларга халқ таълими соҳасидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўтган йиллар мобайнида 280 та мактаб капитал таъмирланиб, 8 та янги ўқув маскани қурилди. 11 мусиқа мактаби замонавий меъморий андозалар асосида тубдан таъмирланди. 8 та "Баркамол авлод" болалар маркази ва бошқа кўплаб спорт мажмуалари ёшлар ихтиёрида.

— Ширин шаҳридаги 4-умумтаълим мактабимизнинг биноси ва унда яратилган шарт-шароитлар институтларникидан асло қолишмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Барчиной Мамадиёрова. — Ўқувчиларимиз замонавий компьютер ва ахборот технологиялари, таълим жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган мактабда билим олишмоқда. Қолаверса, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун имкониятлар етарли. Бир қатор ўқувчиларимизнинг белбоғли кураш бўйича вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларида совринли ўринларга эришишида ана шу шарт-шароитлар муҳим омил бўлгани, шубҳасиз.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Вилоятда яна бир муҳим ижтимоий масала — янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам дадил қадамлар ташланмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойида 21447 та иш ўрни ташкил қилинган бўлса, юқорида номи келтирилган дастурга кўра, келгусида умумий қиймати 266,2 миллион АҚШ долларилик мингдан зиёд лойиҳалар амалга оширилиб, қўшимча 22,5 мингта янги иш ўринлари яратилади.

## Обод манзиллар файзу таровати

Бугун Сирдарё вилоятининг қай бир манзилига борманг, ободлик, кўркамлик ва саранжом-саришталикка дуч келасиз. Айниқса, вилоят маркази — Гулистон шаҳри ўз номига монанд, гулу чаманзорга бурканмоқда. Яъни шаҳар ҳуснини янада очишда кўкаламзорлаштириш ва ландшафт меъморчилигига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Яшил шаҳарга айланаётган Гулистонда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлаштирилган ҳолда бунёд этилган биноларга мос янги кўчалар пайдо бўлмоқда.

Вилоят марказидан бошланган ободлик мавжуд 275 та маҳаллада изчил давом эттирилаётир. Бу вилоятнинг аксарият аҳоли яшаш жойларининг номларида "обод" сўзининг кўп учрашида ҳам акс этади. Ана шундай ҳудудлардан бири Ширин шаҳридаги Нуробод маҳалласидир. Гап шундаки, бугун бу ердаги мактаб биноси, болалар спорт саройи, қишлоқ врачлик пункти сингари кўплаб бинолар маҳаллага кўрк бағишлаб турибди.

— Обод юртдан тўйлар, тантаналар аримайди, — дейди "Нуроний" жамғармаси Ховос тумани бўлими раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Жумабой Суюнов. — Энг катта ва бебаҳо бойлигимиз — тинчлигимиз ва тотувлигимиз барқарор, танлаган йўлимиз равон, халқимиз ҳамжиҳат ва тотув экан, юртимиз равнақи ҳамда халқимиз турмуш фаровонлиги бундан-да юксалаверади.

Дарҳақиқат, бугун вилоятнинг ҳар бир гўшаси ва хонадонларида кўтаринки кайфият кезиб юрибди. Диллардан тилларга энг яхши тилаклар кўчмоқда. Бу хушнуд кайфият сирдарёликларнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига куч-қудрат ато этади, албатта.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Спорт ● Sport ● Спорт**

*"Ўзбекистон" спорт мажмуасида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир бошланди.*

## Дзюдо усталари Тошкентда беллашмоқда

Халқаро дзюдо федерацияси шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 21 давлатидан келган 150 нафардан ортиқ спортчи 14 вазн тоифасида (еттитадан эркаклар ва аёллар) ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилаётганидан яхши хабардормиз, — дейди Халқаро дзюдо федерацияси спорт директори Даниэль Ласкау. — Бу борада замон талабларига мос инфратузилманинг шакллантирилгани ҳар қандай нуфузли мусобақани юксак савияда ўтказиш учун қулай имконият яратмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда мамлакатингиздан жуда кўплаб моҳир дзюдочилар етишиб чиқаётгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Гран-при турнири қоидасига кўра, мезбон давлат ҳар бир вазнда қўшимча тўрт нафардан спортчи билан қатнашиш ҳуқуқига эга. Ушбу имкониятдан фойдаланиб, терма жамоамиз мураббийлари бу галги баҳсларга 49 нафар дзюдочини жалб этишди. Хусусан, улар орасида Мирзоҳид Фармонов, Ҳамиджон Мўминов, Улуғбек Норқобилов, Мирали Шарипов, Алишер Худойбердиев, Яҳё Имомов, Дилшод Чориев, Эркин Дониёров, Рамзиддин Саидов, Нодира Гулова, Зарифа Султонова, Дилдора Убайдуллаева, Гулмира Раззоқова каби тажрибали спортчиларимиз бор.

Халқаро мусобақанинг яна аҳамиятли жиҳати, унда муваффақиятга эришганлар 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун рейтинг очколарига ҳам эга бўладилар. Жумладан, ҳар бир вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритганларга 300, кумуш медаль совриндорларига 180, бронза медали соҳибларига эса 120 тадан рейтинг очколари берилади.

Тошкент Гран-приси 6 октябрга қадар давом этади.

## Иқтидорлилар сараланди

*Пойтахтимиздаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида футбол бўйича махсус интернатлар тарбияланувчилари ўртасида мусобақа ўтказилди.*

У Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан иқтидорли ёшларни аниқлаш ва терма жамоани шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Мусобақа якунида Андижон махсус интернати жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қолган совринли ўринлар Тошкент махсус интернатининг икки жамоасига насиб қилди.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**


● Эълонлар ●

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 22 августдаги 20449/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-уйда жойлашган ишлаб чиқариш цехи биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 386 640 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 5 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Realtor Garant Business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон.**
**Телефон: (8-371) 212-89-55.**

*Лицензия: RR-0052.*

1686А/380

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан Бухоро вилояти ЖИБ судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкий мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 372 622 030 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 гектарлик майдонга эга иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 1 009 176 241 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 24 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 22 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1692А/1453

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 24 июлдаги 2-44-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Муборак шаҳри, 4-кичик туман, Занжирсарой шоҳкўчасида жойлашган, умумий ер майдони 227,67 кв.м. бўлган супермаркет биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 188 298 500 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Яккабоғ тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 20 майдаги 18-1303/7321-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «МММ-Тўқимачи» ишлаб чиқариш корхонасига қарашли, Яккабоғ шаҳрида жойлашган, умумий ер майдони 19031,89 кв.м., қурилиш майдони 2280,52 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 438 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 23 октябрь куни соат 18.00.

**III.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 25 сентябрдаги 2-79-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Аъзам» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз тумани, «Шаматон» ҚФЙ, Пахтакор ва Шаматон қишлоқларида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 2100 кв.м., қурилиш майдони 1035,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1043,37 кв.м. бўлган савдо маркази.

***Бошланғич баҳоси — 581 030 000 сўм.***

**2.** Умумий майдони 7700 кв.м., қурилиш майдони 1018,14 кв.м., фойдаланиш майдони 898,56 кв.м. бўлган трактор гаражи.

***Бошланғич баҳоси — 127 815 000 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қарши шаҳар судининг 2011 йил 12 октябрдаги 20034-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Нефтчилар маҳалласи, 5-уй, 1 ва 2-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 73,98 кв.м. бўлган хотин-қизлар маслаҳатгоҳи қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 48 267 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 12 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 8 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.**
**Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1689А/1453

**«ТУРОН КЎЧМАС МУЛК САВДО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

**ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ**

**билан ҳамкорликда баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Очиқ аукцион савдосига Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 1 июлдаги 76-АС-сонли буйруғига асосан, Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани Амир Темур кўчасида жойлашган, Ҳазорасп тумани ҳокимлигига қарашли, умумий ер майдони 3605,38 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 837,29 кв.м.ни ташкил қилган Тез тиббий ёрдам бўлими бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 235 353 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 8 ноябрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уйда бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан туман ҳокимлиги вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, бино-иншоотлар бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Турон кўчмас мулк савдо» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904925192001, АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

Савдо ғолибига савдо кунидан кейин 20 (йигирма) кун ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади. Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризасини қайтариб олиши мумкин.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни савдо ташкилотчиси жойлашган манзил ва (8-362) 224-13-97 телефони орқали олиш мумкин.

**Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши биноси, 2-қават, 206-хона.**
**Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ишонч телефони (8-362) 226-16-55.**

*Лицензия: RL-001 RR-0088.* *Расмий сайтимиз: www.tkms.uz*

1682А/841



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**· МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.**
**Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.**
**Навбатчи — Д. Улуғмуродов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.35** 1 2 3 4 5